

АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 252-260 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>



САНОАТ ТАРМОФИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Касимов Азамат Абдукаримович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Яшил” иқтисодиёт ва барқарор бизнес кафедраси доценти, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида саноат тармоғининг роли, саноат тармоғи иқтисодий салоҳияти ва самарадорлигининг моҳияти, тузилиши, шунингдек саноат тармоғи иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар батафсил ёритиб берилган. Ялпи ички маҳсулот ҳажми динамикаси, ўсиш суръати ва ундаги саноатнинг улуши таҳлил қилинган. Бундан ташқари, саноат тармоғи иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ЯИМ, саноат, саноат маҳсулотлари, иқтисодий самарадорлик, иқтисодий салоҳият, иқтисодий ўсиш, омиллар.

КЛЮЧЕВЫЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОМЫШЛЕННОЙ СЕТИ И ЕЕ ДАЛЬНЕЙШЕЕ ПОВЫШЕНИЕ

Касимов Азамат Абдукаримович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье подробно описана роль промышленного сектора в экономическом развитии страны, природа и структура экономического потенциала и эффективности промышленного сектора, а также факторы, влияющие на экономическую эффективность промышленного сектора. Проанализирована динамика объема валового внутреннего продукта, темпы роста и доля промышленности в нем. Кроме того, разработаны предложения по повышению экономической эффективности промышленного сектора.

Калит сўзлар: ВВП, промышленность, промышленная продукция, экономическая эффективность, экономический потенциал, экономический рост, факторы.

KEY FACTORS AFFECTING INDUSTRY NETWORK EFFICIENCY AND ITS FURTHER INCREASE

Kasimov Azamat Abdulkarimovich
Tashkent State University of Economics

Annotation. This article describes in detail the role of the industrial sector in the economic development of the country, the nature and structure of the economic potential and efficiency of the industrial sector, as well as the factors affecting the economic efficiency of the industrial sector. The dynamics of the gross domestic product volume, the growth rate and the share of the industry in it are analyzed. In addition, proposals for increasing the economic efficiency of the industrial sector have been developed.

Key words: GDP, industry, industrial products, economic efficiency, economic potential, economic growth, factors.

1. Кириш

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида товарларнинг учдан икки қисми саноат тармоқларида ишлаб чиқарилади. Маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатлар ЯИМининг қарийб 43,6 фоизи ва умумий бандликнинг эса 21,7 фоизи айнан саноат ҳиссасига тўғри келади [10]. Халқаро тажрибалар саноат тармоқларининг ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошириши ва бандлик муаммоларини бартараф этиш ҳамда бошқа тармоқларнинг самарали ишлаши учун ҳам саноат муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳондаги глобаллашув шароитида юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳисобига экспортни қўпайтиришга эришиш ҳамда саноат тармоғи салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида қўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, иқтисодий самарадорлик қўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий-статистик жиҳатдан баҳолаш, мезонларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, ва ўсиш тенденцияларини прогнозлаш ҳамда саноат тармоғи салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш назарий методологик усусларини такомиллаштириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ҳам саноат тармоқлари муҳим ўрин тутади. Шу боисдан, мамлакатимизда кейинги йилларда саноат салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва янада ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳсулотларни диверсификациялаш, жараёнларни рақамлаштириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш, мавжуд омиллардан самарали фойдаланиш асосида самарадорликни ошириш ҳисобига иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини кўтариш, бандликни таъминлаш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон - 2030” Стратегиясида «Саноатнинг «драйвер» соҳаларини ривожлантириш ва худудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионта юқори даромадли иш ўринларини яратиш, саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушкини 25 фоиздан 32 фоизга етказиш, қайта ишлаш саноатида

мехнат унумдорлигини 2 баробар ошириш» каби мухим вазифалар белгилаб берилган [1].

Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда мавжуд саноат салоҳиятини чуқур таҳлил қилиш, улардан самарали фойдаланиш ва янада барқарор ривожланишини таъминлаш, унга таъсир қилувчи омилларни танлаш ва ҳолатини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ҳамда истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш орқали илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг долзарбилигини ифодалайди.

2. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамлакатимизнинг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири – саноатдир. Саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, ахоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш имкониятлари билан бошқа соҳа ва тармоқлардан ўз афзаллиги билан тубдан фарқ қиласи. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғи бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади [2].

Мамлакат иқтисодий тизимини ривожлантириш унинг ишлаб чиқариш, меҳнат салоҳияти, ишлаб чиқариш қучларининг самарали жойлашуви, ахолининг турмуш даражаси ҳамда маҳаллий бошқарув органлари фаолияти самарадорлигига боғлиқ. Жаҳон тажрибаси ва амалиёти ҳам ҳар бир ҳудуднинг хомашё базаси ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммоларини фақат ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурлар ва истиқболли режалар орқалигина ҳал этиш мумкинлигини кўрсатмоқда [3].

Иқтисодий ўсишда омиллар тизими катта рол ўйнайди. Лекин, бунда ҳамма омилларнинг жамланган таъсири ҳар бирининг таъсир этиш даражаси йиғиндисига teng деган хуласа келиб чиқмаслиги лозим. Омиллар тизими – бу уларнинг оддий арифметик йиғиндиси бўлмасдан, балки, бунда ички боғланишлар ва таркибий элементларнинг ўзаро бир-бирига бўлган таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим [4].

Саноатнинг барқарор ривожланиши мамлакатлар учун доимо мухим иқтисодий аҳамият касб этиб келган. Чунки, ривожланиш қўп жиҳатдан саноатни ривожлантиришга бевосита боғлиқ бўлиб, барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда мўлжалланган прогноз параметрларига эришиш каби вазифаларни амалга оширишда саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш қўйилган мақсадга тезрок эришиш имкониятини беради [5]. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётни, жумладан саноат тармоқларини янада ривожлантириш, ахолига муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлашга эришиш мумкин [6].

Саноат мажмуасининг мухим хусусияти шундаки, унинг барча тармоқларида меҳнат воситалари ва истеъмол товарлари, миллий даромаднинг катта қисми яратилади, илмий-техника тараққиётига эришилади [7].

Умуман олганда ишлаб чиқариш салоҳияти – мавжуд ресурслардан самарали

ва оқилона фойдаланган ҳолда узок муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлар жараёнида истеъмолчиларни саноат маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш, аниқлаш ва қондириш қобилиятини англатади [8].

Ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти ҳажмини ҳудудлараро ҳамда ҳудудларни мамлакатимиз кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини таҳлил этиш, устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади [9].

Бунинг учун эса ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ўзига хос механизмларини жорий этиш орқали эришиш мумкин. Мазкур механизмлар биринчи навбатда иктиисодиёт тармоқларининг, хусусан саноатнинг моддий-техник ва капитал ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши, тармоқлараро таркибий қайта қуришни самарали амалга ошириш шунингдек, оқилона инвестиция сиёсатини юритишни қамраб олиши муҳим.

3. Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотни амалга оширишда расмий статистик маълумотлар, статистик кузатиш, таққослама таҳлил, синтез, мантиқий фикрлаш статистик жадвал ва график, солиштирма таҳлил, статистик таҳлил усуllibаридан кенг фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий статистик маълумотлари олинган.

4. Таҳлил ва натижалар

Иктиисодий салоҳиятни анъанавий нуқтаи назардан табиий ресурслар, меҳнат ресурслари ва моддий-техник ресурслар умумий самарадорлиги сифатида тавсифлаш мумкин. Яъни, иктиисодий салоҳият (I_s) оддий таркибий қисм сифатида шаклланади ва уни қуидагича ифодалаш мумкин:

$$I_s = TR_s + MR_s + MT_s + M_s + Inv_s + Inn_s + Inf_s$$

бу ерда: TR_s – табиий ресурслар салоҳияти;

MR_s – меҳнат ресурслари салоҳияти;

MT_s – моддий-техник воситалар билан таъминланганлик даражаси;

M_s – молиявий салоҳият;

Inv_s – инвестицион салоҳият;

Inn_s – инновацион салоҳият;

Inf_s – инфратузилманинг ривожланганлик даражаси.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, саноат корхоналарининг иктиисодий салоҳиятига таъсир қилувчи омилларни икки қисмга ажаратиш ва уларнинг таркибини қуидагича тавсифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Саноат тармоғи иктиисодий самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар¹

Ташқи омиллар	Ички омиллар
Табиий ресурсларнинг мавжудлиги; Аҳоли даромадлари даражаси;	Меҳнат ресурслари қобилияти; Технология билан таъминланганлиги;

¹ Муаллиф ишланмаси.

Бозор инфратузилмаси ҳолати; Транспорт инфратузилмаси ҳолати; Тадбиркорликни қуллаб-қувватлашга доир қонунчилиқдаги имтиёзлар ва қулайликлар.	Молиявий ҳолати; Инновацион фаоллиги; Ташкилий бошқарув самарадорлиги ва бошқалар.
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------


Фикримизча, иқтисодий салоҳияти қўп ҳолларда географик имкониятларга боғлиқ яъни, географик жойлашув ва табиий ресурсларга қай даражада эканлиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш омилларининг энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Жумладан, республикамизнинг турли ҳудудлари географик жойлашуви ва ҳар хил табиий ресурсларга эгалиги билан ажралиб туради. Бу эса мазкур ресурслар билан боғлиқ саноат тармоқлари мавжудлиги ва унинг бошқа ҳудудларга нисбатан ривожланиш суръати юқорилигининг асосий омилидир.

Хусусан, энергетика саноати Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Сурхондарё, Андижон ва бошқа ҳудудларда, металлургия саноати Навоий, Тошкент, Фарғона, Андижон ва бошқа ҳудудларда, кимё саноати Навоий, Фарғона, Тошкент ва бошқа ҳудудларда, ёқилғи саноати Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Сурхондарё, Навоий ва бошқа ҳудудларда, машинасозлик саноати Андижон, Тошкент, Самарқанд, Наманган ва бошқа ҳудудларда ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Таҳлилларга кўра, республиканинг табиий ресурсларга бой ва қулай географик жойлашувга эга ҳудудлар жумладан, Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Андижон, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида саноат тармоқлари ривожланганлиги жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушининг юқори бўлиб, шу саноат тармоғи ривожланиши бўйича етакчилик қилмоқда.

Иқтисодий-ижтимоий ва инфратузилмавий ривожлантириш стратегияси ҳамда географик жойлашувидан келиб чиқиб, саноат ишлаб чиқаришни жойлаштириш, шунингдек хомашё манбалари бўйича тақсимлаш бир қанча тамоилларга асосланади. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш кучларини хомашё манбалари ва истеъмол нуқталарига орасидаги энг оптимал нуқтада ташкил этиш, талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бошқалар. Бундан ташқари, саноат тармоқларида таркибий ўзгаришлар жумладан, янги корхоналарни ташкил этиш иқтисодий самарадорлиги ўзаро боғлиқ бўлган омиллар асосида белгилаш, ишлаб чиқариш обьектини қуриш ва фойдаланиш билан бевосита боғлиқ барча харажатларни тежаш мақсадга мувофиқдир.


Фиркимизча, ҳудуд саноати иқтисодий салоҳияти кўрсаткичлари таркибида табиий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат ресурслари ва техник салоҳият шунингдек, ҳудуднинг географик жойлашуви кабилар ҳам муҳум аҳамиятга эгадир (1-расм).



1-расм. Саноат тармоғининг иқтисодий салоҳияти тузилиши²

Иқтисодий салоҳият тушунчаси ишлаб чиқариш кучлари фаолиятининг турили хил тарихий босқичлари таркибий қисмларини ўз ичига олиб, улар орасида инсон ресурслари салоҳияти ва ижтимоий ишлаб чиқариш тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятлари яқин-яқиндан ҳисобга олина бошланган.

Таҳдилларга кўра, 2023 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 1066569,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, мазкур қўрсаткич 2022 йилда 896617,9 млрд. сўмни ташкил этган. 2023 йилда 2022 йилга нисбатан ЯИМнинг ўсиш суръати 106,0 фоизни ташкил этди (2-расм).



2-расм. ЯИМ ҳажми динамикаси ва ўсиш суръати [11]

Маълумотларга кўра, 2023 йилда 655821,9 млрд. сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ЯИМда саноат маҳсулотларининг қўшилган қиймати 26,1 фоизни ва унинг қўшимча ўсишида энг юқори улуш 1,5 фоиз айнан саноат ҳиссасига

² Муаллиф ишланмаси.

түғри келмоқда, саноатта қурилишни қүшган ҳолда эса ушбу күрсаткичлар мөсравищда 32,3 ва 1,9 фоизни ташкил этади [11].

Таъкидлаш жоизки, саноат тармоғи иқтисодий салоҳиятини саноат корхоналарининг жойлашиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, тармоқни ривожлантириш стратегияси ҳамда географик жойлашув, табиий ресурслар салоҳияти, меҳнат ресурслари салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий инфратузилманинг ривожланганлик даражаси шунингдек, мавжуд саноат корхоналарининг молиявий салоҳияти, инвестицион салоҳияти, инновацион салоҳияти ва моддий-техник воситалар билан таъминланганлик даражаси белгилаб беради.

Фикримизча, ҳар қандай саноат тармоғида ҳам ресурслардан самарали фойдаланиш тармоқ рентабеллигини оширишнинг асосий шартидир. Шунинг учун ҳам қўпгина иқтисодчи олимлар орасида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш масаласига катта эътибор қаратилади. Шунингдек, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлиги, самарадорлиги, тармоқ иқтисодий салоҳиятини оширувчи инновацион ўзгаришлар ва унинг асосий афзаллиги ҳисобланган замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, фаолият күрсатадиган бозорлар қамровини кенгайтиришга қаратилган ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда уни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Ҳулоса ва таклифлар

Умуман олганда, иқтисодий салоҳият тушунчаси ишлаб чиқариш кучлари фаолиятининг турли босқичларининг таркибий қисмларини ўз ичига олиб, улар орасида ресурслар самарадорлиги муҳим саналади. Шунингдек, жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодий тараққиётга эришишнинг асосини илмий-технологик тараққиёт ташкил этади, бунинг ривожи бевосита малакали мутахассислар ва инвестицияга боғлиқдир. Шу боис, саноатнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиша қуидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

1. Иқтисодий барқарор ривожланишга салбий таъсир күрсатадиган омилларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда бу борадаги тадқиқотлардан фойдаланиш ва уларни ҳар томонлама қуллаб-қувватлаш механизмини кучайтириш;

2. Ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш ва глобал рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эришиш учун илмий-технологик соҳани ривожлантириш;

3. Янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш учун қулай шартшароитлар яратиш, молиявий қўмаклашиш ва ортиқча буйрократик тўсиқларни бартараф этиш;

4. Инсон капиталига эътиборни кучайтириш ва унинг сифатини ошириш тизимини такомиллаштириш, яратилган даромадларни түғри тақсимланиши ва мутахассисларни ижтимоий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш амалиётини кучайтириш;

5. Табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш, бевосита инвестицияларни тўғридан-тўғри

ишилаб чиқаришни технологик модернизациялаш ва диверсификациялаш, персонални ривожлантиришга сарфлаш ҳамда инновацион ишилаб чиқариш каридорига ўтиш;

6. Саноат тармоғининг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида логистика инфратузилмасини яхшилиш, хорижий инвесторларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва уларнинг фаолиятини институционал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш;

7. Иқтисодиётнинг реал секторлари ва таълим муассасаларининг ўзаро алоқаларини ҳаққоний ташкил этиш ва бу борада халқаро инновацион ёндошувларни қўллаш орқали малакали мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва бошқалар.

Саноатни ривожлантиришда омиллар таъсирини баҳолаш, таҳлил қилиш асосида ресурсларнинг интенсив самарадорлигини ошириш ва инновацияларни рағбатлантириш ҳамда илмий-тадқиқот ишилмаларини жорий этиш орқали юқори иқтисодий салоҳиятга ва илмий-техник тараққиётга эришиш мумкин. Натижада мамлакатда саноатни жадал ривожлантириш орқали юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони.
2. Эрназаров Ф.Б. Саноатда ишилаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари // “Экономика” научно-аналитический электронный журнал. Выпуск №2, июль 2022 г.
3. Абдуллаев И.С., Рузметов Б. Ҳудудий иқтисодий тизимни ривожланишини прогнозлашнинг комплекс сонли эконометрик моделлари. Монография. Тошкент “Lesson Press”, 2017. – 14 б.
4. Thomas R.L. Modern econometrics. - England.: Manchester Metropolitan University, 1998. – 211 р.
5. Махмудов Н., Бутабаев М., Ҳайтқулов А. Ҳудуднинг қайта ишилаш саноати потенциалидан самарали фойдаланиш йўллари / “Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами, Т.: ТДИУ, 2018, 422 б.
6. Qosimov A. A. Analysis of state development programs (on the example of Surkhandarya Region) //Theoretical & Applied Science. – 2019. – Т. 11. – С. 115-120.
7. Qosimov A. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши-тўртинчи саноат инқилобининг асоси //Архив научных исследований. – 2021. – Т. 37. – №. 1.
8. Маҳмудов М.Ф. Ўзбекистоннинг саноат ишилаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиилар. №1, 2019, 2 б.
9. Салимов Б.Б. Саноат маҳсулоти ишилаб чиқаришнинг ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиилар. №3, 2018, 11 б.
10. UNIDO. Pocket Guide to World Statistics. 2022. SeriesV, N42. p.1-19.

11. Агентство стат. при През.Рес.Узб. «Социально-экономическое положение Республики Узбекистан» за январь-декабрь 2023 года. Ташкент – 2024 г. С.11

12. <https://stat.uz>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

